

ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ НИЗОЛАРНИ ҲАКАМЛИК СУДИ ҲАЛ ҚИЛАДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда бозор ислохотларини чукурлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куватлаш борасида куляй шарт-шароитлар ва хукукий кафолатлар яратишга қаратилган изчил сиёсат юритилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг тадбиркорлик фаолиятининг ишончли хукукий кафолатларни таъминлашга йўналтирилган «Тадбиркорлик субъектларини хукукий химоя қилиш тизими» янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бунинг яққол исподтиши.

Ушбу Фармопининг мухим томонларидан бирни — бу тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги низолар хўжалик судлари ҳамда ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилишини белгиловчи, шунингдек ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конуничилик палатасига «Ҳакамлар суди тўғрисида»ги Конун лойиҳаси киритилишини асословчи мейёрдир.

Таъкидлаш жоизки, ўзбекистон конуничилигидаги низоларни ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилишига узатиш имкониятлари, шунингдек ҳакамлар суди қарорларининг шартли равишда ижро этилиши белгиловчи айрим мейёрлар мавжуд. Шу билан биргага амалдаги конуничилика бундай низоларни ҳал этишининг ва ҳакамлар суди қарорлари ижросининг тасвирчан, ишончли ва аниқ механизми бўлмаганинг туфайли ўзбекистон Республикасида низоларни ҳакамлар суди оркали ҳал этишига дебяри имконият йўқдир. Шу боисдан «Ҳакамлар суди тўғрисида»ги Конуннинг қабул килиниши уларнинг самарали фаолияти юритиши учун зарур, энг мухим шартdir.

Ҳакамлар суди барча мамлакатларда ташкил қилинган ва муваффақиятли ишлаб келмоқда. Таъкидлаш лозимки, бу судларнинг фаолияти алоҳидаги Конун билан мувофиқлаштириб турилади.

Ҳакамлар суди — томонлар келишишга асосан иқтисодий низоларни кўриб чиқиб, ҳал этишига йўналтирилган нодавлат органи ҳисобланади. Ҳакамлар суди тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг бирлашмалари томонидан тузилиб, доимий фаолият юритувчи ҳамда томонларнинг ўзи томонидан аниқ бир низоларни ҳал этиши учун вактинча тузиладиган ва улар ҳал этилгандан сўнг туттиладиган судлар бўлиши мумкин. Коидага мувофик, ҳакамлар судида фақат иқтисодий келишимчиликлар ҳал этилади. Шу билан бирга хўжалик судида кўриладиган низоларнинг ҳаммасини ҳам ҳакамлар судига топшириш мумкин эмас. Чунонки, банкротлик ишлами, маъмурлих хукукий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар, ишбилармон мавқеи ҳимоясига оид ва бошқа бир катор ишлар фақат хўжалик суди доирасида кўриб чиқилиши мумкин.

Ҳакамлар судига низо томонлар ўртасида юзага келган ҳар бир ёки бирон-бир аниқ низо ҳакамлар судида кўриб чиқилиши хусусидаги томонларнинг битимиш кўринишида имзоланган уч томонлама шартнома (алоҳидаги битим кўринишида ёки шартномада кўрсатиб ўтилган ҳакамлик изоҳи кўринишида бўлиши ҳам мумкин) мавжудлигига таддим этилади. Ҳакамлар судида томонлар деб ҳакамлар судига ўз хукуқ ва манфатларини химоя қилиб, даъво аризаси берган ёки жавобгар сифатидаги фуқаролар (жисмоний шахслар), хусусий тадбиркорлар ёки юридик шахслар тушунилади. Томонлар судьяларни ўзи танлайди. Бундай судья доимий фаолият юритувчи ҳакамлар суди томонидан тасдиқланган ҳакамлар судьялари тавсия рўйхатидаги ҳар бир шахс ёки тадбиркорлик соҳасида аниқ мутахассисликка эга ва иқтисодий келишимчилик холисона ва ваколатли ёндошига қодир, аникроқ қилиб айтганда, томонлар ишонган бирон-бир бошқа шахс ҳам бўлиши мумкин. Томонлар ўз қарашларидан келиб чиқкан холда мухокама ҳолати ва

тартибини, шунингдек низо ҳал этилиши жаёнида юзага келадиган бошқа масалаларни келишиб олишлари мумкин. Иш кўриб чиқилиши холосасига асосан ҳакамлар суди томонлар томонидан кўнгилли равишда ижро этилиши лозим бўлган ёки ижро этилмаган тақдирда тегишилни ижро коидаларига асосан мажбури ижро этилиши керак бўлган қарор қабул қиласди.

Ҳакамлар суди томонидан низолар ҳал этилишининг ўзига хос томонларига тезкорлик (бир мансизда, низо-ни соддалаштирилган тарзда ҳал этиш), томонларнинг ҳакамлар судьяларини ўзлари танлаш имконияти, шунингдек айрим масалаларни келишиб олиш имконияти (иш кўриладиган ҳожини, унинг олиб бориладиган тили, муддатла ва ҳоказалорни), кам микдордаги ҳаражатлар, ишнинг махфийлигини таъминлаш, иккни томонлама яратишга келишиб оширишга ҳам ижобий тасъясатидан. Қолаверса, ҳакамлар суди давлат бюджетидан молиялаштирилиши талаб этмайди, чунки улар тадбиркорлик субъектларининг ўзи ёки уларнинг бирлашмалари маблаглари ҳисобига ташкил килинади.

«Ҳакамлар суди тўғрисида»ги Конун лойиҳаси ҳакамлар судлари ташкил килинши, уларнинг фаолияти тартиби ва мутасаддигилини, улар томонидан келишимчиликлар ҳал килинши, судлар таркиби шаклланishi, ҳаражатларини, тамоилиларини, бошқа масалаларни мувофиқлаштириб боради.

«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Конуннинг 18-моддасига биноан Палатага иқтисодий низоларни ҳал этиш учун ҳакамлар судини ташкил этиши хукуки берилган, шу жумладан ҳалқаро тижорат арбитраж судини ҳам. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси негизидаги ҳакамлар судларини ташкил этиб, ри-вожланши якунни натижасида кўидагилардан иборат ягона тизими шакллантириш режалаштирилмоқда:

— Палатанинг ҳудудий бошқармалари қошида ҳакамлар судлари.

— Палата қошидаги ҳакамлик низо-лар ҳал килиш тизимишнинг мувофиқлаштируви маркази:

— ҳакамлар суди борасида ҳалқаро тажрибаларни ўрганиш, семинар-тренинглар ташкил этиш, ҳакамлар судьялари учун ўкув қўйламаларини яратиш каби масалаларни ўз ичига қамраб оладиган ҳакамлар судьяларини таъиёлраш ва малақасини ошириш маҳсус ўкув-услубий маркази;

— Палата қошидаги ҳакамлар суди фаолиятига оид журнал кўринишидаги босма нашр;

— ҳалқаро тижорат арбитраж суди («Халқаро тижорат арбитраж суди тўғрисида»ги Конун қабул қилингандан сўнг).

Ўзбекистонда ҳакамлар суди тўғрисида Конун қабул қилиниши ва шу фаолиятнинг ўлга кўйилиши, шубҳасиз, бозор инфратизимларни баркорар шаклланниб боришида мухим кадам бўлиб, иқтисодий масалалар ва низоларни ҳалқаро андозалар даражасида ҳал этишига имконият яратади.

Анвар ИКРОМов,
Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси юридик экспертиза ва тадбиркорликни хукукий кўллаб-куватлаш баълими етакчи мутахассиси.

Муноҳаза, муноҳаза

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

ФАРРОШ МЕҲНАТИНИ ҚАДРЛАЙЛИК

Касбнинг яхши-ёмони, катта-кичиги бўлмайди. Ҳар бир касбнинг ўзига хос аҳамияти ва қадор борлабтади.

Аммо, касблар орасида шундайлари ҳам борки, баъзида биз бу касб эгалари меҳнатини кўп ҳам кадрламаймиз. Гапрошлар меҳнати ҳақида бормоқда. Нима учун бу мавзууда фикр алмашишга ҳазм миханганинг сабаби шундаки, каммина фаррошлар юмушининг оғир эканлигини яхши биламан. Бувим фаррош эдилар. Болалигимда мен ҳам уларнинг ёнларида тонг саҳардан кўча тозалагани чикар, бувим кўчани, арикларни тозалаб, супуриб-сидирсалар, мен чиқиндиларни бир жойга йигишга кўмаклашардим. «Бу савобли иш», дердилар бувим доммо. Ҳақиқатан ҳам ишимиши тутатгандан сўнг атрофга бокқандা, кўчаларнинг ороста ҳолга келганлиги кўриб бахри-дилимиз очиларди. Аммо...

Орадан йиллар ўтиди. Бувим ҳам бу дунёни тарзи этганларига анча бўлди. Ўсиб-йилгайдик, ўқиб, ҳозирда ишлайамиз. Тунов куни бекатда автобус кутиб турибман. Одам кўп. Соат ўн бирларга яқинлашиб колган бўлсада, фаррош аёл кўча супуряпти. Кизиги, у кўчани, бекат атрофини тозалаяпти. Айрим ҳамшаҳарларимиз фаррошнинг кўз ўнгидаги дуч келган ерга ҳалини писта пўюғини, ҳали конфет қозонига иткитяпти. Сигарет чекиб, колдигани дуч келган ерга ташлаётгандар талайтина. Шу пайт ўзига оро бериб кийинган, кора кўзўнгай тақиб олган аёл музқаймомини еб бўлди-ю, қозонига кўча ўтасига ташлади. Буни фаррош кўриб қолди. Аёдан хафа бўлди.

— Кизим, ўннингизда чиқинди ташлайдиган кути турибдику. Сиз бўлсангиз, ерга ташлайзис. Шу ҳам инсофданми? — гина қилди фаррош. Аёл эса хўмрайганича нари кетди.

Сўзим нихоясида азиз ҳамшаҳарлар, аввало тозаликка, орасталикка риоя килайлик. Ҳеч бўлмагандага шахримиз озодалигига катта хисса кўшаётган фаррошлар меҳнатини қадрлайлик деб илтимос қиласман.

Абдулла ИЛХОМОВ

ЙЎЛОВЧИ АЙДОРМИ?

Истиқол шарофати билан бошқа соҳалар қатори транспорт тармоғида ҳам жиддий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, йўловчи ташиш транспорти тизимиши янада такомиллаштириш борасида қилинаётган ишлар таҳсинга сазовор. Шахримиз қўчаларини тўлдириб юрган «Мерседес-Бенц» руслумли автобусларнинг кўргандаги кишининг бахри-дилли очилади. Бироқ, айрим ҳолларда йўловчига хизмат кўрсатишда ҳайдовчилар томонидан хатоликларга йўл қўйилаётгандаги таажужбланарли ҳолат.

Хар куни ишга 97-автобусда қатнайман. Тан олиш жоиз, ушбу йўналишда йўловчиларга беминнат хизмат кўрсатишади, жадвал асосида 97-автобус қатнови ҳажи ўлга кўйилганлигини таъкидлаш лозим. Аммо, кўпичча, «Универсам», «Шахристон» ёки «Мустакиллик» бекатларидаги 97-автобуснинг узок тўхтаб туриши, ўз вақтида юрмай, йўловчилар билан лиқ тўла бўлсада, ҳайдовчиларнинг бемалол яна йўловчини кутиб ўтириши асадга тегади. Ана шундай ҳолларда йўловчилар сабрсизларни ҳайдовчига каратади.

— Ахир, тезрок юрсангизчи. Яна кимни кутяпсиз? Биз ҳам уйга тезрок борайлик, иссиқда лоҳас бўлиб колдикку, дейишиади.

Кизиги, ҳайдовчилар бундай гапларга парво ҳам қилишмайди.

— Бирлас кутинглар. Бизда ҳам реха бор, — ҳайдовчиларнинг аксарияти йўловчиларга шундай жавоб бершиади. Балки, уларнинг гапидаги ҳамма ҳам жон бордир. Режани бажариш зарур. Бироқ, реха бажарилмаса йўловчи айборд эмаску.

Сиз бунга нима дейсиз, муҳтарам газетхон.

Аваз ОЛИМОВ

СУВНИ ТЕЖАШ ЛОЗИМ, ЙЎҚСА...

Ҳамон юртимизда иссиқ, жазира мунтар ҳукм сурмоқда. Ана шундай пайтда ҳар бир киши азиз неъмат бўлмиш сувга эҳтиёж сезади.

Бироқ, сувдан тежаб фойдаланиш қоидаларига ҳамма ҳам бирдек амал қилавермаслиги ачинарли. Кунданлик овқат пиширишда, чой қайнитиши, ювни борасида сарф этилаётгандаги сувларни гапирмай турайлик-да, хозирда айрим ҳолларда кўпгина ҳамшаҳарларимиз томонидан бу борада йўл қўйилаётгандаги лоқайдлик оқибатлари ҳақида фикрлашайлик.

Табиики, аҳоли ўз ховлисида дарахт этишиларди, гуллар, сабзавот махсулларни экади. Аблатта, ўйнинг ўзинга этишилган махсулларни махсулларни экади. Аммо...

Келинг, воеанни бир бошдан сўзлаб берга қолай. Дам олиш куни қўшнимнига чиқдим. Ҳа, Асқаржоннинг ховлиси катта, нац ўн уч сотих келади. Шу боисим, ҳар ийли эрта баҳордан ховлисида райхон кўчатидан тортиб, помидор, бақлажон, бодринг, укроп, редиска, кашнич каби маҳсулотларни этишиларди. Ба Ѿахши. Бироқ...

Камина уни сўреклаб чиққанимда водопроводга уланган резина ичак асфальт ўзига ташлаб қўйилган, ундан шариллаб оқаётгандаги сув ҳаммаёни коплаб, ховли музделкина ҳолга келган экан.

— Нима қиялпиз, қўшини?

— Экинлар сувсиради колган экан. Мирикиб сув ичсин деган максаддада сувордим, — деди Асқар бамайлихотир, сўнг гапини давом этитиди. — Куннинг иссиқлигини қаранг. Чидаш кийин бундай ҳавога. Шунинг учун асфальтга сув оқизиб қўйибман.

Очиғи энсам қотиб кетди. Томорқасидаги экинларни водопровод сув билан сурғорни етмагандик, бехудага жонининг хузурини ўйлаб оқизиб кўйгани жаҳлними чиқарди.

— Бекор қиялпиз, қўшини. Сувни бехудага истроф кильманд. Бунинг томисини хориждан сотиб олаётгандаги мамлакатлар бор-а.

Асқарга бу гапим ёкмади.

— Насихатнинг ўзингизга сийлов, ака. Нима битта менни водопровод сувидан фойдаланаётгандаги. Ахир махалламиз ариқларидаги қадимигидек сув оқисмас мен айбордорми?

Бу масалада иккни кўшини роса тортишдик, охри килаётгандаги ишни нотўригини тушунинди чоғи, Асқар водопровод жўмрагини бураб қўйди.

Хулоса ўрнида газетхонга азимас гапдек туюлган ушбу мавзуу доирасида дўйини ерга кўйиб ўйлайдиган фурсат аллақачон кириб келганини, ҳаётимиз манбаи — сувни тежаб ишлатишими зарурлигини яна бир карга эслатиб кўймоқни лозим деб топдим.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Машхур ижодкор намоянданнинг ўз вақтида қатагонга учраган ноёб асарлари тикланди, халққа қайтадан нафосат улаша бошлади, ёрқин хотириаси абдадийлаштирилди. Эндилиқда унинг номи билан атаган маҳалла, кӯча, широ хотириаси кўйилган ёдгорлик, шаҳардаги мактаблардан бири — улар мутафаккир адаб номини, хотириасини эъзолаб, безаб турибди. Фарғона вилоятидаги кутубхоналардан бири, Сергелидаги кинотеатр, кабри устидаги Ўзбекистон Эзувчилар, Театр ижодкорлари уюшмалари, Республика маданият ва спорт ишлари вазириларни ўринатган ёдгорлик, Хуршид маҳалласи пештоқида сават сочиб турган машхур ижодкор ҳакидаги паннон (портрети) таржими холи билан) ҳам унинг кадрли сиймосини кўз-кўз қилип турибди.

Ха, Мустақиллик боис унинг толеи қайтадан уйғонди, хуррият қўёши унутлишига ўз тутаётгандар асарлари узара адолат шуъласини тарата бошлади. Бу — мунавар истиқлол кўёсини.

Республика Мустақиллигининг эълон килинган дастлаби йиллари... Ўзбекистон Эзувчилар уюшмаси «Адолат» комиссияси Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти билан ҳамкорликда Тошкентда жуда муҳим ва тархий аҳамиятга эга катта илмий-ижодий анжуман ўтказилар ва унинг ишида маданият ишлари, халқ таълими вазирликлари, қатор ижодий ўшима ва ташкиллар, олий ўқув юртлари вакиллари, театр, кинематография, газета ва журнallар, Ўзбекистон Комуси ҳодимлари, драматург, ёзувчи, шoirлар, журналист, тарихчи олимлар, театршунос, санъатшунос мунаккислар ҳам иштирок этилар. Шахсга сигиниш даврида катагонга учраган, ноҳақ айланган, пок шаънига адолатиз, кора тамғалар урилган, ижоди кампитилган, ҳатто ҳаракатланиб босишига ман этилган атакли адабиётчилар, ийрик маданият намояндаларининг маданий меросини тиклаш, уларнинг пок шаънига «қизил империявий» сиёсий мафкура урган кора тамғаларни олиб ташлаш, бебо асарларни ҳаққонийлаштириш, «пўлат сандик»ларда ман этиш муҳрларию «сургичлари остида неча йиллардан бери ётган шеърий достонларини, роман, пъесалару илмий таддикот ишларини козага чиқариш, уларни чоп этиш, юбилей ва хотира кечаларини ўтказиш, номларини абдадийлаштириш масалалари кўрилиб, муҳокама қилинди, керакли тадбирлар белгиланди. Беҳбудий, Мунавар кори, Фитрат, Авлоний, Кодирий, Хуршид, чўлпонлару Гулом Зафарий, Абдулла Бадрий, Миён Бузрг, Тангирик хожи, Усмон Носир, Боту, Элбек, Олтойлар хақида янги маълумотлар эълон қилинди. Улардан вокиф кишиларини эзаликлиари тингланди, фикр алмашувлар, ҳатто жиддий мунозаралар бўлиб ўтди.

Ушанда Хуршидинг атакли шоирлиги, хассос ғазалнавислиги, ўзбек миллий драматургияси ва театр маданиятининг қалдирғоч намояндаларидан бирин эканлиги, «Саҳна Навоийномаси»нинг асосини сава Алишер Навоий достонлари ҳаракамонларини ибор саҳнага олиб чиқкан (новатор) пъесанавис муалимлиги буюк Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си асосида жаҳон драматургиясида «Сийёуш» nomli шеърий саҳна асарини 20-йилларда яратганлиги ҳақида янги, авваллари сира эълон килинмаган маълумотлар, ноёб сурат, қалам сохиби кўлэзмаларидан на мойниш этилган алт нусха наумуларни ўта кизиқиши билан кутиб олинганди. Хуршид ўзбек саҳна Шиллерномаси, Шексипромномаси, Темурномаси, Хиндистонномасига ҳам дастлаб дебоча кўпrik ташлаб берган ўша қўлканали йилларда драматургия, театр, таржимончилигимиз та-

рихида хирадаштирилиб, ҳатто тилга олинмасдан келинган эди. XX-асрнинг ўнинчи йиллари сўнгига таъсизи 20-йиллардаги маълумотларга назар ташласак, тарихий ҳужжатларни кўздан кечирсан. Хуршид таржимасида театр саҳнасида кўрса-тилган Фридрих Шиллернинг «Макр ва муҳаббат», «Қароқчилар» сингари драмаларини томошибинлар марок билан кўрганликларидан ҳам дарак топамиш.

Хуршид 20-йилларда буюк Уильям Шекспирнинг «Отелло» фоъеасини ҳам биринчи бўйл ўзбек тилига таржима килганди (бу ҳақда ҳам ўша даврлар матбуотидаги ёритилган маълумотлар мавжуд). Мустақиллик яратган омиллар боис Хуршид ҳаётни ва ижодиётига, маданият ва маънавий меросига адолатни ҳамда ҳаққоний ёндошиш, илмий таҳрибий ишларни атрофли олиб боришни натижасида яна бир қатор ҳақиқатлар юзага чиқди — биз

тилган мақола ва тақризларда мана бундай адолатли, ҳаққоний таърифи мактобларни ўқиймиз, шунингдек, атакли ада-бийтшунос олим, таникли драматург, ака-демик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арабби Иzzat Султон каламига мансуб ушбу сатрларни ҳам: — 20-30-йилларда айниқса икки ёзувчи, ижодкор катта шухрат қозонган эди. Бири Абдулла Кодирий, «Ўтган кунлар», «Мехрордан чаён» романлари билан, яна бири — Хуршид, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» пъесалари билан.

Ха, ҳалқ ўз ижодкорини юксак эъзолади. Бу асарлар ҳали маънавий бойлигининг асл дурданлари бўйл қолди, тарих зарварақларидан ўрин олди. Миллионлаб инсонларга нафосат, маънавий бойликлар улашди. Навоий қаҳрамонлари орzu-армолнари умид, эзгу ниятларини янада кенг тарарнан эти. Дарҳаки-кат, Хуршид кўп кир-рали, ижодкорлик диапазони кенг қалам сохиби, бена-зир ва ўтқир коби-лиятли санъаткор эди. У ижодий жа-раённинг турли жа-бхасида ўзининг ноёб юксак исте-додини намойиш эта билди. У шеърият бўстонига илк шев-лари ва мұхаммас-лари билан 13-14 ёшлилари кириб келди, назм битишда Яссавий, Жомий, Ҳофиз, Навоий, Фу-зулийларга эргашди. Уларни буюк устозлари деб билди. У ўзининг лирик шеърлари, нафосат пардасига ўйргилган ғазаллари билан эл орасида эрта танилди. XX-асрнинг ўнинчи йилларига келгаш шу даврнинг «Шоири машҳур»-лари қаторларидан

жой олди ва унинг шеърлари баёзларда, шунингдек, 1910 йиллар бошида чоп этилган халқ орасида кенг таркалган «Тұх-фаи Ҳислат» баёзида ҳам «Ҳо-хидий», «Шукрий», «Хуршид Шараф», «Шам». Шоший таҳаллусларидан ҳам назм битиди, «Девони шоҳидий» деб атаган де-вон яратди. Хуршид ўзбек халқ күларидан излаб топиш устиди илмий ишларни олиб бормоқдамиш. Алишер Навоийнинг 50 йиллик юбилеига багишлаб Хуршид яратган «Баҳром ва Диором» операсининг шеърий тарзда ёзилган либретоси материалларини ҳам ҳозирда атрофлича ўрганиб кўриб чиқмоқдамиш. Дарҳаки-кат, Хуршид ўзбек миллий мусикий драмасининг бошида турган, мўтабар бешигини тебтара бошлаган янгиликка итилувчан драматург, мусикий театризм ташкилотчиларидан биридан. У XX-асрнинг ўнинчи йилларидан ўз мусикий санъатарини «Чолгули Манзума» драмаси, «Чолгули ҳангомасини ёзган.

Үша даврлар ўзига хос муркаб, даҳ-шати вакълар эди. Навоий, Лутфий, Дурбек сингари буюк қалам сохибларининг асарларига таъна тошлари отила-тган чоғлар эди. Хуршид буюк Алишер Навоий достонлари асосида пъесалар яратди, уларнинг қаҳрамонларини санҳага олиб чиқишига кириши. Бу эса халқон драматургияси ва театр санъатида сира кўрилмаган ҳолат эди. Бирок, да-диллик ва буюк фидокорлики билан яратилган «Фарҳод ва Ширин» (1922) ва «Лайли ва Мажнун» (1923-24 йил) спектакларига ўзига хос ман этиш сиртмоқлари ташланди ва бунингдек асарлар факат ишчилар ва деҳонларга хизмат кўрсатмайдиган томошибохларда кўрсатилишига руҳат берилди холос.

Демак, манғур цензурнинг таъбирича, Навоий достонлари ҳаракамонлари кечинмалари акс этилган пъесаларни барчага кўрсатиш мумкин эмас, ишчи деҳонлар учун улар зарарли. Лекин бунингдек тажовузлар халқни бу машҳур санҳага асарларидан бездира олмай, ақсичча, 20-30-йилларда шу каби спектакллар кўрсатилидиган залларга томошибинлар оқими тобора кучайиб бораверди. Уни ўз минглаб санъат мұхлислари кайта-қайта томоша қилдилар. XX аср матбуотида ёри-

тилган сўзимизни мұхтасар қилиш, шуни айтшишимиз мумкинки, Хуршид буюк заҳматкаш адиб, маданият, санъат, мәдениятчилигимиз намояндаши эди. У суюкли Ватан, хуррият ва Истиқлолни кўйлаб, шеър, қўшиқлар ҳам ёзди. Она ўзбекистоннинг ҳақиқий мустақилларига орзу килиб назмий асарлар битди.

Баҳрийдин НАСРИДДИННОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Республика Эзувчилар, театр ижодкорлари юшмаларининг аъзоси, Ўзбекистон ҳалқ таълими аълочиси.

Шарқ дурданлари

Оз-оз ўтганий домо бўйн...

• Алишер Навоий айтади:
— Тилинг билан кўйглини бир тут, кўнгли билан тили бир киши айтган сўзла бу.

Хикоят. Луқмони Ҳакимни бир киши даргоҳида хизмат килдирулар ва ундан имуҳ ҳикматни гоҳи-гоҳида санаబ кўрарди. Бир куни имтиҳон тарзида буорибди:

— Аё Луқмон, менга бир кўйни сўйиб, энг яхши аъзосини олиб келгин.

— Бош устига, — дебди Луқмон ва кўйни сўйиб тили билан юрагини хожасига келтириб бериди.

Анча муддат ўтгандан кейин, хожа унияна чакириб дебди:

— Аё Луқмон, бир кўйни сўйиганда, менга унинг энг ёмон аъзосини олиб келгин. Луқмон кўйни сўйиб, яна тили билан юрагини кўтариб келиди:

— Бу нечкى асрорки кўйнинг энг яхши аъзосини сўрасам ҳам тил билан юракни кўтариб келдинг.

Луқмон дебди:

— Аё хожа, агар пок бўлса, ҳеч нарса тил билан юракдан яхши эмас.

Агар нопок бўлса ҳеч нарса улардан ёмонроқ эмас.

Байт:

Бу оламда кишиким пок қалбу соф ботинди,

Ҳамиши фикр кунжиди

• Беш хислат кишини ҳар ерда азиз сақлаб, унинг дўстини кўпайтиради: ёвзликдан кўл тортса, яхшиликни шиор қиласа, тұхмат қилишдан этак силкитса, сұхбат одобига риоя этса.

• Кайковус айтади:

— Фирибаглардан эхтиёт бўл ва ўзинг ҳам кишиларни алдама, чунки кишиларни алдайтидан бирор тарздан яхшиликини шиор қиласа, тұхмат қилишдан этак силкитса, сұхбат одобига риоя этса.

• Абу Али ибн Сино айтади:

— Одамларнинг ботири мушкулодан кўркмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши алдамларнинг энг кўркогиди.

• Сайдий Шерозий айтади:

— Дилга марғуб бўлган кўзга ҳам маҳбуб бўлади.

• Абдул Аъло Маарри айтади:

— Монсон ўз уйининг эшигини беркитиб, вужудини сақлай олади, лекин қалб эшигини беркитишдан ожиз бўлади, қалбига қайту-алам кўп вакт ҳужум этиб туради.

• Бир доинишманд айтади:

— Мехнат одамни кatta фалокатдан: фамгинликдан, мухтољикдан, энг асосиси — қасалликдан ҳалос этади.

• Нафснинг давоси очкүзлини тарк этиш, харисликка йўл кўймасликдир.

• Очик душман яшириш душмандан хавфсизроқиди.

• Самимий дўст сени хайрли йўлга бошлагани асло дўст хисоблами.

• Бу дунёда ҳамма нарса ўзгаради, факат фазилат ўзгармайди.



O'ZSANOATQURILISH BANK

**РЕСПУБЛИКАМИЗ АХОЛИСИ ВА
«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»
МИЖОЗЛАРИ ДИКҚАТИГА!!!**

«Ўзсаноатқурилишбанк» Сизлар билан ҳамкорлик қылаётганигидан мамнунлиги ва самимий миннатдорчилегини бүлдирған ҳолда қутидашларни жағлум қылади:

«Ўзсаноатқурилишбанк» филиалларида омонатларни, шунингдек, депозит ҳисоб рақамидаги маблагларни, иш ҳақи үзга тенгләштирилған тұлғоларни беріши жараённанда қонунбүзилеш ҳолатлари ва ходимларнан хизмат базифаларини сүйистеъмол қылышашининг олдани олиши мақсадида барча норозилук ҳолатлари тұрғысса бизнинг-шоноч телефонларымызға хабар берішингизни сүраймыз.

Ишонч телефонлари «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг барча мінтақавий филиалларыда ташкил қылышган:

Бош банкда (8-371) 120-45-59, 133-92-59

Тошкент шаҳар мінтақавий филиалыда (8-371) 133-12-72, 133-33-95

Тошкент вилоят мінтақавий филиалыда (8-371) 144-56-10

Корақалпоғстан

Республикасыда	(8-361) 222-93-24	222-55-85
Андижонда	(8-3742) 22-16-08	22-19-86
Бухарода	(8-365) 223-48-59	223-96-86
Қашқадарёда	(8-375) 221-06-84	221-07-23
Наманганда	(8-3692) 24-52-90	34-17-82
Навоийда	(8-436) 224-50-71	224-69-71
Самарқандда	(8-3662) 33-22-06	33-28-60
Сурхондарё (Шарғунда)	(8-37622) 4-36-87	4-33-54
Сирдарёда	(8-3672) 25-07-40	25-29-25
Фарғонада	(8-3732) 24-85-03	24-88-86
Хоразмда	(8-362) 226-10-16	226-65-88

Банк мавқеига путур етказаётган инсофисиз ходимларга нисбатан қонунчилікда белгиланған тартибда чоралар күлланилади.

Мұнажжим башаралы

БОЛАЛАРГА ҒАМХҮРЛИК ҚИЛИНГ

23 АВГУСТ, СЕШАНБА

Бугунги сешанба атрофдагиларға нисбатан ўз муносабатнанғын билип олишингизга ёрдам беради: күпчилик кишилар сизнинг олдингизда одатда сиз ўзингизни қандай тұтсанғыз, улар ҳам ўзларини шундай тұтадылар. Ой тақвими 18-күннинг рамзи шундан гувохлық беради. Қадимги дунё мұтаккирлары шу кундан ўзлари қақида холис ахборот олишда фойдаланышган.

Шу билан бирга самода Нептун, Марс, Меркурий ва түнги Ой иштирокидаги "тау-квадрат" сақланып қолғани учун түрли хил ёлғону алдовлар ва уларнанған фош этилесі күннинг асосын мавзуси бўлиб қолади. Болалар алоҳида эътибор ва ғамхүрликка мухтоҳ бўлишади. Уларнинг сувдаги ўйинқароқликлари хавф-хатарли бўлиши мумкин. Ой саййрасининг соат 15.47 дан 23.00 гача йўналишсиз ҳолатда бўлиши оптика-қизиқувчанлик панд бериси мумкинлегистидан огохлантиради. Эҳтиёт бўлинг, бегона сирларни нафакат зўравонлик билан билиб олиш, ҳатто тасодифан бирон сирнинг гувохи бўлиб колишидан ўзингизни асрарнг. Очилиши керак болган сирлар вақти келиб ўз-ўзидан фош бўлади, ишонаверин.

Бугун суд жараёнларини бошлаш, ўзаро муносабатларни ойдинлаштириш, ҳужжатларни имзолаш, янги ишга жойлашиш мумкин. Иш бугун сиз учун шунчаки эрмак эмас, балки мажбурият бўлиб, машакқатлардан кўркмай, масъулиятни зиммага олишингиз керак.

Соатнинг тұхтаб қолиши бугун нохушлик аломати хисобланади. Кўзгу, ойна ёки идиш-төвөкнинг синиши эса йўқотишилар ва нохушлайлардан огохлантиришидир.

Еркін ва рангдор тушлар тез орада

ўнгингизда содир бўлади. Рамзий тушлар таъбир қилинмайди.

Бугун ҳаммом, укалаш, терини тозалаш ва даволаш учун кулай кун хисобланади. О юриш ёки ҳеч бўлмагандан ҳайвон гўштидан воз кечиш фойдали бўлади. Шу куни кўпгина оғриқлар ўзини сезидиради. Айниска буйраклар, кўзлар ва юрак-қон томир тизимини эҳтиёт килинг.

Кийим-кечаклардан кўк рангилари омадли бўлади. Сарп қозига мос келмайди.

СЕШАНБА МАСЛАҲАТЛАРИ:

- иложи бўлса - сафарни қолдириб, уйда бўлиш;

- кечикитириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этиш;

- парҳез, кун режими ва шифокорларни бошқа тавсияларига риоя қилиш;

- ўз хавфсизлигиниз ва саломатлигиниз ҳақида қайтуриш;

- ижодий иш билан, ўзингиз кўпроқ қизиқадиган машгуллардан кўркмай, масъулиятни зиммага олишингиз керак;

- зарурат туғилса, ёрдам сўраб тиббиёт мутахассисларига мурожаат қилиш тавсия этилади.

Ўйингизни узоқ вақт қаровсиз қолдирманг, маст кишилардан (улар сизга озор етказишлари мумкин), томок, кўкрак ва корин оғриклиридан эҳтиёт бўлинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛӢ ВА ҮРТА МАХСУС ТАҶЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҮРТА МАХСУС КАСБ-ХУНАР ТАҶЛИМИ МАРКАЗИ

2005-2006 ўқув иили учун
ЧИЛОНЗОР МАТБАА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИГА
қабул давом этмоқда

Коллежга ўрта мактабнинг 9-синфини тұратын йигит-қызлар қабул қылышади.

Коллежда қуийдаги ўйналишлар бүйича мутахассислар тайёрланады:

- ҳарф териши технологияси (машинада ва компьютерда);
- чоп этувчилар;
- муковачилар;
- тикувчи-модельерлар;
- кичик ва хусусий бизнес корхоналари ҳисобчиси.

Машгулолтар ўзбек ва рус тилларда олиб боршади.

Ўқиши муддаты — 3 йил.

Ўқишига киричилар коллеж консультатив маркази сурхига қўйидашганда ҳужжатларни тақдим этишилари зарур:

- таҶлим муассасаси раҳбари номига ёзилган, белгиланған шаклдаги ариза;
- маълумоти тұрғысидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- доимий яшаш жойайдан берилған маълумотнома;
- 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;
- 3x4 см ҳажмдаги олти дона фотосурат.
- ҳудудий касб-хунарга ўйналтириши ва психологияк-педагогик ташсис марказы тавсияномаси;
- түғилғанлик тұрғысидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Аризапар 31 августта қабул қылышади

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Нурхон күчаси, 21-й.**

Тел: 77-10-56, 77-13-79.

Спорт**ВАКИЛЛАРИМИЗГА
ОМАД ТИЛАЙМИЗ**

Мамлакатимизда бошқа спорт турлари қато-ри оғир атлетика ривожига ҳам катта эътибор берилмоқда. Ушбу спорт түрнинг тобора ёшлар орасида оммалашиб бораётгандиги, тез-тез турнирлар ўтказилаётгандиги эса куонварли хот.

Айни кунларда Чирчик шаҳрида оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати мусобакалари давом этмоқда.

Шуниси эътиборлики, минтақамизнинг Хитой, Эрон, Ирок, Таиланд, Хиндистон, Кувайт, Кирғизистон, Жанубий Корея, Туркманистон, КХДР, Тохикистан давлатларидан келган 200 нафардан ортиқ ёш спортчилар голиблик учун муросасиз баҳс олиб бор-моқдалар.

Дарвоке, ушбу нуфузли турнирда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам ўз сафида Осиё ва жаҳон чемпионатларидаги Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қўлган Александр Уринов, Игорь Халилов ва Ботир Усмоновлар билан иштирок этажтанилиги муҳлисларни куонтиради. Зеро, Ўзбекистон терма жамоаси ҳам минтақада энг кучлилардан саналади.

Ушбу нуфузли турнир 24 августвга қадар давом этади.

**ҲАМЮРТИМИЗ –
ЖАҲОН
ЧЕМПИОНИ**

Кипрда профессионал кикбоксингчилар ўртасида ташкил этилган жаҳон чемпионати мусобакалари Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига мұваффакият келтирилди.

Шуниси куончилари, 50 дан ортиқ давлатлар спортчилари иштирок этган жаҳон чемпионати саралаш бахсларида Ўзбекистонликлар ўзларининг нималарга қодир эканликларини на-мойиш этишиди.

Мусобакаларнинг финал баҳси эса Озарбайжон, Эрон, Россия, Греция, Украина, Беларусь, Кипр, Англия ва ўзбекистонлик спортычилар ўртасида кечди.

Илгари кикбоксинг бўйича хаваскор спортычилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медални кўлга киритган Шавкат Ўреков (82 килограмм вазида) ушбу нуфузли мусобакада ҳам ажойиб натижани кўлга киритди. Нуфузли турнирга ракибларидан кўра пухта тайёргарлик кўрган Шавкат Жаҳон чемпиони номини кўлга киритди.

(Ўз мұхбириимиз)

Қадриятариниз**ТОШКЕНТ МАҚОМЧИЛИК
АНЬАНАЛАРИ**

Кейнинг йилларда макомат тарихи ва унинг турли йўлларига оид янги манба, тўплам ва маълумотларнинг очилиши ҳамда уларнинг илмий ва амалий мумомалага жорий этилиши муносабати билан бу улкан бебаҳо мажмуанинг янгидан-янги кирралари бўй кўрсатмоқда.

Ана шунга мувофиқ Фарғона-Тошкент маком йўллари деб юритиб келинган улкан анъаннинг бир тарафи, аниқоги Тошкент макомларининг хусусиятларини ҳалқимизга ётказиши мақсадида танили мусиқацашнос олимпарию ҳофиз-созандалар томонидан турли маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Якинда Юнусобод туманидаги «Бедорзор» маҳалласида шундай тадбирларнинг бири ташкил этилди. Маҳалланинг сўлим оталар чойхонасига Ўзбекистон Давлат консерваториясининг маънавий-маърифий

ишлар ва концерт ижрочилиги бўйича биринчи проректори, профессор Рифатилла Косимов бошлигидаги таникли санъаткорлар тақлиф этилди.

Тадбирда сўз олган Р.Косимов Тошкент маком ашулчалик мактабига асос соглан машҳур ҳофиз Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов ва у кишининг шогирдлари, издошари ҳақида батасиғи маълумот берди, йи-ғилгандарда ҳофизининг авлодлари хусусида ҳам кенг тушунча ҳосил қилди.

Мустақиллик шароғати билан ўзбек

миллий қадриятларига бўлган эҳтиёж қизишиш кундан кунга ортиб бораётгани, ота-боболаримиз қолдириган улкан маънавий бой меросни ўрганиш, уни асрар-авайлаш, келгуси авлодларга етказиши борасида тинмай меҳнат қилаётган заҳматкаш инсонлар номларини ҳам хурмат билан тилга олди.

Ушбу тадбирда ота-боболаридан ҳофизианынларини ўрганиб давом этираётган, ҳозирги кунда ҳалқимиз орасида ўз хонишилари билан танилган Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи Ҳасан Ражабий, Шотурсун, Ҳожиакбар, Шорасул Шожалиловлар, Суғифон ҳофиз сулолосининг вакиллари ҳам иштирок этилар.

Маърифий кечага йиғилган маҳаллада истикомат килувчи ёши улуг нуроний ота-хонлар созандалар ижро этган мақомларни мароқ билан тинглаб тадбир охирида уларга миннатдорчилик билдиришибди.

(Ўз мұхбириимиз)

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.
Толиб Сирохиддинов
олган суратлар

ЁШ РАССОМЛАР КЎРГАЗМАСИ

Озарбайжон элчинонасида ёш рассом ижодкорлар кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазма Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг Миробод туманинг янгиригидаги ўтказилди.

Кўргазмада намойиш этилган асарларда асосан табият манзаралари, Озарбайжон ва ўзбек ҳалқларининг урф-одатлари тасвирланган. Болажонлар ранг-баранг бўёклардан фойдаланган холда ўзлари ўйлаган мавзуларни жонли гавдаплантиришга харакат қўлганлари.

Ёш ижодкорларнинг ишларидаги умумий муштарак ғоя шундан иборатки, улар оламни ўз кўзлари ва ўз нигоҳлари орқали кўришади. Калбидан хис қўлган холда турли ранглар жилоси орқали ифодалашади. Ижодкорларнинг ҳар бир асарида умумий ватанга ўйлаган мухаббат, Ватан туйгуси бирламчи. Ўндан ташкилари ёш ижодкорлар миллий анъана ва қадри-

ятларимизни ўзига хос тарзда ифодалашган, - дейди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Оритика Коқозов. — Республика мустақиллигининг ўт тўрт йиллигига багишиланган ушбу кўргазмада «Биз мустақил юрт фарзандимиз» мавзусидаги ёшларнинг киркага яки ижодий ишлари намойиш этилди. Кўргазма иштирокчилари Озарбайжон маданият марказида ташкил этилган туман ўқувчилар ижодиёт марказининг тўғарах аъзоларидариди. Мўйқалам соҳиблари айни пайтда шаҳар ва туман миёқесида бўлиб ўтган кўргазмаларда катнашиб, муносиб ўринларни эгаллап келмоқдадар.

**КУРАШ МУСОБАҚАСИГА
ТАЙЁРГАРЛИК**

Ёзинг иссиқ кунларидаги аксарият спорт турлари бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ўкув ѹигигин машгулотларини мамлакатимизнинг сўлим гўшаларида ўтказилшири айланади.

Жумладан, Республика олимпиа заҳиралари коллежи талабалари ҳам табиатининг гўзал жойларida машгулотлар олиб боришиятни. Тоза хаво, мусаффа осмон, шифобаха булоқнинг харорати инсон соглигининг мукаммал бўлишигига омил бўлади. Тонгинг чўқисига караган инсон, кўнглида юртга фурӯр ва мағрурлик нашидасини хис қилади. Ота-боболаримиз ана шу тогу-тошлардан куч ва шижоат олиб, миллат довруги учун беллашишган. Бугунги авлод ҳам ана шу анъанани давом этирган холда, тоз баргирда ўз маҳоратларини ошириш баробарида курашнинг сири-асрорларидан хабардор бўлишияти. Пойтахтизмаги Республика олимпиа заҳиралари коллежининг йигирман-

га якин ёш курашчилари муррабий Шокир Тўраев бошлигидаги ёзги ўкув машгулотларни ташкидайди. Нашонлардаги вилоятининг Китоб шаҳидаги соғломлаштириш оромгарида ўтказилмоқда. Малымки, коллежнинг ёш полвонлари якинда ўтказилган «Баркамол авлод-2005» спорт ўйинларида биринчи ўринни эгаллашган эди. Ҳозирда ана шу полвонлар сенятрь ойидаги бўлиб ўтдиган мамлакат биринчилигига қатнашиши учун ўзларининг сўнгиги машгулотларни олиб боришишади. Мусобакада биринчиликни кўлга киритган голиблар эса октябрда шу ўшдаги ўсмилар ўртасида ўтдигандаги жаҳон чемпионатида иштирок этишади. Соғломлаштириш оромгарида юратилган шарт-шароитлар, полвонлар-

нинг янада жўшкун кураш тушишлари ҳамда жисмонан ба-куват бўлиб ўсишларни та-минайди. Полвонлик ўзбек ўлонларининг қонида бор. Агар ўзбек оиласида ўғли туғилса, полвон ўғлоне дег сўйишиди. Бу эса гўдакларнинг ўшлигидан полвон бўлиб voginga etishiga etishiga, қолаверса, бобо-лар курашининг давомчиси де-ган номни олишига унайди. Ўзбекнинг мард, тантан спортичилари йўқиши кураш билан олишишаса, миллат гурури ва шаънини турли мусобакаларда ҳимоя килишмаса. Шундай экан, биз ёш полвонларимизни келгуси мусобакаларда мұваффакияти иштирок этишларини тилаб қорамиз.

Рустам ХАЙДАРОВ,
«Туркестон-пресс»

«050»:

**ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ
КЎРСАТИЛДИ**

Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Юнусобод туманидаги Тошкент педиатрия илмий-техниши тиббёт институти клиникинавбатчи шифокори Н.Пўлатовдан 2 ёшли Абубакр Мухитбековнинг кўли электр гўшт қўймалагиги ичидан чи-кариб олиниб, унга кутқарувчи томонидан тез тиббий ёрдам кўрсатилди.

**КАНАЛДА
КИДИРУВ**

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Чилонзор туманидан оқиб ўтвичи «Бўрижар» каналида Турсункулов кўчаси, 67-йуда истиқомат қилувчи, 1988 йилда туғилган А.Рихсиевнинг чўкиб кетганинг ҳақида тушунчи тағиияни билдиришибди. Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг сержант М.Бектуров бошлигидаги «Сувда кутқарув хизмати» кутқарувчилари тағиияни билдиришибди. Ўзбекнинг мард, тантан спортичилари йўқиши кураш билан олишишаса, миллат гурури ва шаънини турли мусобакаларда ҳимоя килишмаса. Шундай экан, биз ёш полвонларимизни келгуси мусобакаларда мұваффакияти иштирок этишларини тилаб қорамиз.

Хуснурон АХМЕДОВА



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимилиги

**Бош мұхаррир
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимис: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНАР:

хатлар — 133-29-70;
факс: 133-28-95, 136-57-65;

Хажми — 2 босма табоб, оғефт
услуби босилади.

2496 нусада босилди. Қоюн бичини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рәқам
билинг рўйхатта олинган.

Душанбе, сешанба, чорчанба,
пайшанба ва жума кунлари чиради.
Нашир кўрсаткичи — 563

Наширни стказиб бериш масалалари бўйича турар
хойлардаги почта будимизарига беки «Тошкент
поштамитинг» — 133-74-05 телефонидаги мурожаат
клишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқноми»нинг компюттер
марказида терилида ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоба оқиядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-йи.